QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI TO‘RTKO‘L TUMANI HOKIMINING QARORI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ TÓRTKÚL RAYONÍ HÁKIMININ SHESHIMI

231200 . Qoraqalpog‘iston Respublikasi To‘rtko‘l tumani, To‘rtko‘l ko‘chasi 53-uy.
Tel: 532-20-75, 532-20-47, 532-20-37. Faks: 532-30-40

2022 - yil 21 - dekabr 426-13-190-Q/22 To‘rtko‘l tuman hokimligi

Туманда 2023 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистан Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддалари, 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-348-сонли Қонунининг 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (кейинги ўринларда – Низом) мувофиқ транспорт воситаларининг 2023 йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Туманда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг 2023 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва

уларнинг тиркамалари - бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганига олти йилдан кўп бўлмаган юридик шахсларга тегишли транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари), шунингдек, ишлаб чиқарилганига ўн бир йилдан ўн тўрт йилгача (ўн тўртинчи йили ҳам) бўлган жисмоний шахсларга тегишли M1 тоифадаги транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилганига олти йилдан ортиқ бўлган юридик шахсларга тегишли транспорт воситалари, ишлаб чиқарилган вақти аниқ бўлмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари), шунингдек, ишлаб чиқарилганига ўн беш йил ва ундан ортиқ бўлган жисмоний шахсларга тегишли M1 тоифадаги транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар техник кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда.

Ишлаб чиқарилганига ўн йилгача (ўнинчи йили ҳам) бўлган жисмоний шахсларга тегишли M1 тоифадаги транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) техник кўрикдан ихтиёрий равишда ўтказилади.

4. Мазкур қарорнинг 3-банди «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта – 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта – 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бошқа транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 декабргача ўтказилади.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига транспорт воситаларининг техник кўрикдан ўтказишда:

транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада (техник паспортда, техник талонда) кўрсатилган маълумотларга транспорт

воситаси тури, маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари, шасси (рама), кузов ва двигателнинг идентификациялаш рақамларининг мувофиқлиги;

транспорт воситасининг техник ҳолати ва жиҳозлари техник регламентлар, стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги;

махсус ва тезкор хизматларнинг транспорт воситаларида махсус рангли ва овозли сигналлар қурилмаларининг мавжудлиги, созлиги ва қонунийлиги, шунингдек, транспорт воситасининг ранг-график бўяш схемаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига мувофиқлиги;

газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширилишини таъминласин.

6. Транспорт воситалари ДЙҲХХ органлари томонидан техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган миқдорда йиғим ундирилади.

Биринчи (олдинги) техник кўрикда носоз деб топилган транспорт воситалари такрорий техник кўрикдан ўтказилганлик учун йиғим ундирилади.

Техник кўрик ўтказилганлиги учун йиғим суммаси тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш учун ДЙҲХХ органлари томонидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг техника базалари, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситалари фақат тадбиркорлик субъектлари томонидан техник кўрикдан ўтказилади.

7. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва

жисмоний шахсларга техник кўрикдан ўтказиш жадвали асосида транспорт воситаларини техник жиҳатдан созлигини ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 125-сон қарори 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмаларининг транспорт воситалари мазкур идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Бекчанов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Р.Шамуратов**

To‘rtko‘l tuman hokimining
2022 yil 21 dekabrdagi
426-13-190-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг

Т А Р К И Б И

1	Н.Алламов	-	туман Ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи, комиссия раиси

АЪЗОЛАРИ:

2	Р.Камалов	-	туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи
3	Б.Кадиров	-	туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4	С.Реимбердиев	-	туман экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи
5	У.Матназаров	-	туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари
6	А.Юсупов	-	туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

КОМИССИЯ КОТИБИ:

7	А.Сапарбаев	-	Туман ички ишлар бўлими ЙҲХБ катта инспектори

To‘rtko‘l tuman hokimining
2022 yil 21 dekabrdagi
426-13-190-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Тумандаги барча ташкилот, корхона, муассасаларнинг давлат томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

Ташкилот, корхона, хўжаликлар, муассасалар номлари	Техник кўрикдан ўтказиш вақти	Автотранспорт воситаларининг сони	Техник кўрик ўтказиладиган жой
Тўрткўл туман ҳокимлиги	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	8	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани Халқ қабулхонаси	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани қишлоқ хўжалиги бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	2	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл педагогика коллежи	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани ирригация бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари

Тўрткўл тумани "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари" кенгаши	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани молия бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Миллий банки Тўрткўл филиали	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Халқ банки Тўрткўл тумани филиали	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
"Микрокредитбанк" банкнинг Тўрткўл тумани бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
"Савдогар" банк Тўрткўл тумани филиали	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари

“Агро банк” Тўрткўл тумани филиали	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	8	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани санитария-эпидемиология назорати маркази	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	5	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани "Халқ таълими" бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани "Мактабгача таълим" бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Ёшлар ишлари агентлиги Тўрткўл тумани бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани Чорванасл бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари

Тўрткўл тумани ветеринария бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани мелиорация бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Туман ўсимликларни химоя қилиш карантини	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
"Қорақалпоқпочтаси" акциядорлик жамияти Тўрткўл тумани филиали	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	5	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
«Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти Турткул туман электр таъминоти корхонаси	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	2	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани "Тоза худуд" ДУК	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	5	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари

Тўрткўл туман алоқа бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
"Қорақалпоқгаз" филиали Тўрткўл туманлараро газ таъминоти участкаси	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	3	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани сув тармоқлари	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	3	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани "Ободонлаштириш" бошқармаси	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	6	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани давлат кадастрлар палатаси	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Тўрткўл тумани қурилиш бўлими	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	1	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари

Тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари	биринчи марта – 01.03.2023й дан - 30.06.2023й гача; иккинчи марта – 01.09.2023 й дан – 31.10.2023й гача	7421	ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланадиган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жойлари
Туман ҳудудида яшовчи жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги шахсий автомототранспорт воситалари ва тиркамалари	01.01.2023 йилдан 31.12.2023 йилгача	29200	Туман ҳудудидаги автомототранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари

Эслатма: *Фуқароларнинг шахсий автомототранспорт воситалари шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари шартнома тузилган юридик шахснинг манзилида ҳар куни соат 09-00 дан 18-00 гача техник кўрикдан ўтказилади.*